Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 13 октябрь, № 213 (7171) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

БАРЧА СОҲАЛАР ҚАТОРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҲАМ ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, пахта йиғим-теримининг бориши билан танишиш мақсадида Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги «Валихон ота» фермер хўжалигига ташриф буюрди.

Жорий йилда об-ҳавонинг ноқулай келиши деҳқонларимизга бир қатор қийинчиликлар туғдирди. Айниқса, баҳор фаслида ёғингарчилик кам бўлгани сабабли чигит экишда кечикишлар кузатилди.

Деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ғўза парваришидаги қолоқликни бартараф этиш мақсадида давлатимиз томонидан фермерларга барча зарур шароитлар яратиб, қўшимча агротехник тадбирлар ўтказиш учун моддий-техникавий ресурслар зарур миқдорда ҳамда ўз вақтида етказиб берилди.

Тошкент вилоятида бу йил 75 минг 800 гектар майдонда ғўза парваришланиб, айни пайтда етиштирилган ҳосилни нестнобуд қилмай йиғиштириб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фермерларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани ғўза парваришида агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш ва мўл ҳосил етиштириш имконини берди.

Жумладан, вилоятда фаолият кўрсатаётган лабораториялар томонидан етарли миқдорда биомаҳсулотлар тайёрланиб, фермер хўжаликларига етказиб берилди. Кўсак қурти ҳамда ўргимчаккана каби зараркунандалар ва турли касалликларга қарши кимёвий усулда курашиш илмий-амалий ёндашув асосида олиб борилди.

Туманларда ташкил қилинган механизаторлар уйларида дала меҳнаткашлари учун қулай иш ҳамда дам олиш шароити яратилгани ғўза парваришида ғанимат кунлардан унумли фойдаланишда муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз вилоятнинг бир гуруҳ илғор фермер хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари билан мулоқотда бўлди.

Жорий йилда Бўка тумани пахтакорлари 13 минг гектарга яқин майдонда ғўза парвариш қилди. Маҳаллий иқлимга мос, серҳосил ғўза баравж ривожланиб, қийғос очилган.

Учрашувда пахта йиғим-терими ишларининг бориши, такрорий экин экиш ҳолати, вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

— Бу йилги қурғоқчилик деҳқонларимиз учун ҳақиқий синов бўлди, — деди Президентимиз. — Биз ҳосилни етиштириш учун уларга зарур шароитлар яратиб бердик. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда нарх икки баробар оширилди. Жумладан, Тошкент вилоятида бир килограмм пахта учун 1000 сўмдан зиёд пул тўланмоқда.

Давлатимиз раҳбари барча соҳа қатори қишлоқ хўжалигида ҳам асосий мақсад халқимиз манфаати эканини, қайси маҳсулот кўпроқ даромад келтирса, ўша экин экилиши зарурлигини таъкидлади.

— Манфаатдорлик бўлиши учун қилинган харажатни қоплаб, фойда кўриш керак. Эртанги куни бугунидан яхши бўлиши учун ҳар бир одам ўзи ҳаракат қилиши лозим. Бугун ким ютади — интилган ютади, меҳнат қилган ютади, — деди Шавкат Мирзиёев.

"Валихон ота" фермер хўжалигининг 72,6 гектар ер майдони мавжуд бўлиб, 26 киши меҳнат қилади. Жорий йилда хўжалик ғалладан 222 миллион сўм даромад олди. 35,6 гектар майдонга экилган пахтадан 300 миллион сўмдан зиёд даромад кўришни режалаштирмоқда.

Фермер хўжалигида иккиламчи экин экиш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ғалладан бўшаган майдонга картошка, сабзавот, дуккакли ва озуқабоп экинлар экилган. Бу 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалиги даласида синовдан ўтказилаётган замонавий пахта териш машинаси билан танишди. Ушбу машина пахтани тоза териши, иш унумдорлиги юқорилиги билан ажралиб туради. Кам харажат талаб қилади.

Президентимиз мулоқот сўнгида соҳага инновацион технологияларни кенгроқ жалб этиш, ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олиш лозимлигини қайд этди.

Учрашувда фермерлар бундай очиқ мулоқотлар уларга куч-қувват бериб, ғайрат-шижоатини оширишини таъкидлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДҲГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР МУДОФАА ИДОРАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Мудофаа вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган МДҲга аъзо давлатлар мудофаа идоралари раҳбарларини қабул қилди.

Учрашувда Озарбайжон мудофаа вазири З. Гасанов, Арманистон мудофаа вазири Д. Тоноян, Беларусь мудофаа вазири А. Равков, Қозоғистон мудофаа вазири Н. Ермекбаев, Россия мудофаа вазири С. Шойгу, Тожикистон мудофаа вазири Ш. Мирзо, Қирғизистон Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғи Р. Дуйшенбиев ва МДҲ Мудофаа вазирлари кенгаши котиби Ю. Дашкин иштирок этди.

Президентимиз делегациялар раҳбарларини қутлар экан, МДҲ Мудофаа вазирлари кенгашининг мажлиси илк бор Тошкентда ўтказилаётгани мамлакатимизнинг Ҳамдўстлик фаолиятидаги иштироки янги босқичга кўтарилганидан далолат эканини мамнуният билан таъкидлади.

Ўтган йили Ўзбекистон Ҳамдўстликнинг иқтисодиёт, энергетика, фан ва инновациялар, жиноятчиликка қарши курашиш каби соҳаларда ҳамкорлик бўйича 10 дан ортиқ тармоқ органларига қўшилди.

Учрашувда МДҲ доирасида ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни, жумладан, идораларо шерикликни янада кенгайтириш, икки ва кўп томонлама тадбирлар ўтказиш, профессионал ҳарбий кадрларни тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди.

Халқаро ва минтақавий сиёсат, хусусан, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

МДҲ мамлакатлари мудофаа идоралари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўз давлат раҳбарларининг саломи ва эзгу тилакларини етказди. Ўзбекистон Қуролли Кучларини модернизация қилиш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, шунингдек, мамлакатимизнинг минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга доир ташаббусларига юксак баҳо берилди.

Мудофаа идоралари ўртасида томонларни қизиқтираётган масалалар бўйича конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлик билдирилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари МДҲ Мудофаа вазирлари кенгаши мажлиси ишига муваффақиятлар тилади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларнинг замонавий тиббий хизматларга, дори-дармонлар билан таъминланишига бўлган имкониятларини кенгайтирди, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлиги яхшиланишига олиб келди.

Ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табобати муҳим аҳамият касб этади, табибларнинг хизматларига аҳолининг турли қатламларида катта эҳтиёж сезилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги вазиятнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, халқ табобати йўналишида кўрсатилаётган тиббий хизматларда назоратнинг етарли даражада эмаслиги, шунингдек, халқ табобатининг замонавий тиббиёт тизимида тутган мақоми ва роли хусусида қатор саволлар юзага келмоқда, хусусан:

биринчидан, халқ табобати хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база яратилмаган, табибларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланмаган, халқ табобати усуллари билан даволовчи шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги устидан давлат назорати амалга оширилмаяпти;

иккинчидан, халқ табобати усуллари билан тиббий ёрдам кўрсатувчиларнинг мижозлар соғлиғига зарар етказганлик учун масъулияти белгиланмаган, шунингдек, халқ табобати вакилларининг ҳуқуқларини асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилиш кафолатланмаган;

учинчидан, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табобати ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни бошқаришнинг тартиб ва механизмлари мавжуд эмас;

тўртинчидан, халқ табобати вакиллари, уларнинг тажриба ва иш натижалари, улар кўрсатадиган хизмат турлари ҳақида ва бошқа маълумотларни ўз ичига олувчи халқ табобати бўйича тизимлаштирилган ягона маълумотлар базаси мавжуд эмас.

Халқ табобати фаолиятини тартибга солиш, тўпланган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобатининг усуллари ва ютуқларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилади;

(Давоми 2-бетда).

Кун иқтибоси:



Ўзбекистон – Россиянинг стратегик ҳамкори ва иттифоқчиси. Икки томонлама алоқаларимиз сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, маданий ва гуманитар соҳаларда чуқурлашмоқда. Келгуси ҳафтада Тошкентга давлат ташрифим чоғида Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев билан кенг миқёсда музокаралар олиб борамиз ва уларнинг натижалари бўйича ҳукуматлараро ва тижорий ҳужжатлар имзоланади.

(Хорижий мамлакатлар элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олиш маросимидан).

Владимир Путин,
Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон ва Франция ўртасида имзоланган ҳужжатлар

ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий ва инвестициявий фаолликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади

Жаҳондаги етакчи оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон раҳбарининг Францияга амалга оширган расмий ташрифи, эришилган келишувларга алоҳида эътибор қаратиб, шу мавзуга оид ахборот ҳамда таҳлилий материалларини эълон қилмоқда.

ДУНЁ НИГОҲИ

Европада инглиз тилида фаолият олиб борадиган энг йирик **"The Local"** янгиликлар тармоғида Шавкат Мирзиёевнинг Парижга ташрифи ЕИга қилинган илк расмий ташриф эканлигига алоҳида урғу берилган. Беш миллиондан зиёд ўқувчиларига эга сайтда Франция фуқаролари Европа иттифоқида биринчи бўлиб Ўзбекистонга визасиз бориб-келиш имкониятига эга бўлишгани маълум қилинади. Яъни французлар шарқий йўналишдаги мамлакат бўйлаб 30 кун визасиз саёҳат қилишлари мумкин.

Хитойнинг **"Синьхуа" ахборот агентлиги** эса келишувларнинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратган. "Ўзбекистон ва Франция 5 миллиард еврога яқин бизнес битимлар имзолади" сарлавҳали материалда бир гуруҳ етакчи француз ишбилармон доиралари билан учрашувлардан сўнг қатор соҳалар бўйича битимлар тузилгани, пировардида бу ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий ва инвестициявий фаолликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши алоҳида қайд этиб ўтилган.

Канаданинг Квебек музофотида хабарларни француз тилида узатадиган **"The Koz Post"** интернет-газетасида ёзилишича, Ўзбекистон Президенти ташрифи давомида делегация француз ишбилармон доиралари, қатор шериклар ва кредит муассасалари билан ҳамкорлик қилиш бўйича битимлар имзолади. Келишувлар сув ресурсларини бошқариш, туризм тармоғи, маданият, энергетика, молиявий жабҳалар, шунингдек, авиасаноат соҳасида қўшма ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни қамраб олди.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2018 йил 13 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тиббий фаолиятни лицензиялаш учун белгиланган тартибда (тиббий таълим маълумоти мавжудлиги талаби бундан мустасно) амалга оширилади;

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахслар ўз фаолиятининг натижалари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгар ҳисобланадилар;

тиббий хизмат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахсларга ҳам татбиқ этилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда тиббий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш ҳажми ва тартибини белгиловчи ваколатли орган ҳисобланади.

2. **Халқ табобатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар эътироф этилсин:**

халқ табобати соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини ва улар томонидан кўрсатилган хизматлар оқибати учун жавобгарлигини белгилаш;

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда аҳолига тиббий хизматдан фойдаланишда онгли равишда танлаш имкониятини яратиш учун халқ табобатининг кўп йиллик кўникмалари ҳамда амалиётда тасдиқланган ижобий ютуқларини замонавий тиббиётга интеграциялаш орқали унинг салоҳиятидан фойдаланиш;

халқ табобати соҳасида етакчи маҳаллий ва чет эл тиббиёт муассасалари ҳамда соғломлаштириш амалиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик қилиш асосида халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш.

3. **Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришнинг устувор чора-тадбирлари дастури** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Қ. Шодмонов — ушбу Дастурда назарда тутилган барча тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини тартибга солиш ва янада ривожлантириш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов — ушбу қарор асосида вазирлик ва идораларга юклатилган вазифаларнинг самарали ва лозим даражада бажарилишини мувофиқлаштириш бўйича шахсан жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг:

республика тиббиёт олий ўқув юртларининг “Даволаш иши”, “Педиатрия иши”, “Тиббиёт-педагогика иши” бакалавриат йўналишларидаги ўқув дастурларига халқ табобати бўйича махсус ўқув циклини жорий этиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида халқ табобати кафедраси ва “Халқ табобати” йўналиши бўйича малака ошириш курсини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ҳафта муддатда Махсус комиссия таркибини шакллантирсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига халқ табобатини ривожлантириш ва халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш доирасида:

халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкиллаштириш, шунингдек, ўзбек халқ табобатининг бой тарихий анъаналари ва ноёб меросини ўрганиш, халқ табобати йўналишларини тизимлаштиришда ташкилий ва услубий ёрдам бўйича чуқур илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

бошқа мамлакатларнинг халқ табобатини ифодаловчи таниқли ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифалари юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2018 йил 15 ноябрга қадар:

давлат таълим стандартларининг талаблари асосида халқ табобати бўйича ўқув дастурини;

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишга мўлжалланган биноларнинг санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиеник нормативларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

б) 2018 йил 1 декабрга қадар:

халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолиятни амалга оширишда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан, тиббий техникага нисбатан минимал талабларни;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда Халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий фаолият кўрсатиш тартиби ва ҳажмлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил охирига қадар халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибалари, хизмат кўрсатиш турлари, алоқа ва бошқа маълумотларни қамраб олган ягона маълумотлар базасини шакллантиришни, оммабоп фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-сайтига жойлаштиришни, шунингдек, ушбу турдаги ташкилотлар фаолиятини лицензиялаш амалга оширилиши билан базани доимий равишда янгиланиб боришни таъминласин;

г) “Халқ табобати” йўналишини тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига киритсин;

д) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгиланисинки, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мунтазам чиқишлар ҳамда мавзули кўрсатув ва эшиттиришларни ташкиллаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 октябрь

Тошкентда МДҲга аъзо мамлакатлар Мудофаа вазирлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди

12 октябрь куни Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Мудофаа вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон мудофаа вазири А. Азизов, Озарбайжон мудофаа вазири З. Гасанов, Арманистон мудофаа вазири Д. Тоноян, Беларусь мудофаа вазири А. Равков, Қозоғистон мудофаа вазири Н. Ермекбаев, Россия мудофаа вазири С. Шойгу, Тожикистон мудофаа вазири Ш. Мирзо, Қирғизистон Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғи Р. Дуйшенбиев ва МДҲга аъзо мамлакатлар Мудофаа вазирлари кенгаши котиби Ю. Дашкин иштирок этди.

Йиғилишга Россия Федерациясининг мудофаа вазири, армия генерали Сергей Шойгу раислик қилди.

Мулоқотда яқин ҳамда узоқ мамлакатларда хавф ва таҳдидлар кучайиб, барқарорликни таъминлаш масаласи глобал характер касб этаётгани, Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган МДҲга аъзо мамлакатлар Мудофаа вазирлари кенгашининг йиғилиши кўп томонлама ҳарбий ҳамкорликнинг кенгайиши учун муҳим платформа экани таъкидланди. Тузилма ўз фаолияти давомида кўп томонлама ҳарбий ҳамкорликни таъминловчи, ҳарбий соҳадаги сиёсат ва ҳарбий қурилиш, можароларни бартараф қилишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқадиган амалий орган сифатида шакллангани қайд этилди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, йиғилишда халқаро терроризмга қарши курашиш йўлидаги устувор вазифалар, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасида ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш, радиацион, кимёвий ва биологик вазиятни баҳолаш ҳамда назорат этишда Бирлашган тизимнинг истиқболлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда МДҲга аъзо давлатлар қуролли кучлари авиация парвозлари соҳасида ҳамкорлик масалалари, Ягона давлат радиакцион идентификация тизимини амалга ошириш, ҳарбий таълим соҳасида ҳарбий билим юртлари курсантлари ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган қўшма тадбирларни ҳамкорликда амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, кенгаш аъзолари Мудофаа вазирлари кенгашининг 2019 йил бўйича иш режасини қабул қилди, МДҲга аъзо мамлакатлар Қуролли Кучларининг бирлашган алоқа тизимини ривожлантириш, 2019 йилда МДҲга аъзо давлатлар Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва ҳарбий ҳаво кучлари қўшинлари қўмондонликларининг қўшма машғулотларини ўтказиш, 2022 йилга қадар Қуролли Кучлар фаолиятининг дастурий таъминоти, навигация, метрология, топография ва геодезия соҳасида ҳамкорликни ташкил этишга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланди.

Тадбирда мамлакатлар мудофаа идоралари раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг “Жанговар ҳамдўстликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун” эсдалик нишони топширилди.

Фазлиддин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон ва Франция ўртасида имзоланган ҳужжатлар

ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий ва инвестициявий фаолликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади

1 Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макрон иштирокида космосни тадқиқ этиш соҳасида ҳамкорлик қилишга доир ўзаро битим тузилди, дея хабар берилади АҚШнинг дунё космик индустрияси янгиликларини ёритишга ихтисослаштирилган **“SpaceNews”** нашрида. Франциянинг Космик тадқиқотлар миллий маркази маълумотларига кўра, бу борадаги ўзаро фаолият космосни тадқиқ этиш, Ерни кузатиш, алоқа йўлдошлари, тадқиқот ва технологиялар, халқаро норматив масалаларни мувофиқлаштириш каби йўналишларни ўз ичига олади. Ўз навбатида, соҳага ёш авлодни жалб этиш бўйича тажриба ва илғор амалиётни алмашишни йўлга қўйиш белгилаб олинди. Келишувнинг имзоланиши Франция ва Ўзбекистонга қатор лойиҳаларни ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқиш имконини беради.

“Azernews” агентлиги хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвестициялар бўйича кенгаш тузилиши ҳақида хабар беради. Унинг вазифаси сармоядорлар фикрини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдир. Қайд этилишича, Шавкат Мирзиёев француз бизнес жамоатчилиги, компания вакилларини Кенгаш ишида фаол қатнашишни таклиф қилган. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар мавжуд. Улар фаолиятини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилди, ташқи савдо ва божхона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилди, дея эслатиб ўтади агентлик.

О. ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 августдаги Фармонига мувофиқ, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм “Дўстлик” ордени билан мукофотланган эди. Яқинда Вашингтон шаҳрида Лэмм хонимга мазкур юксак мукофотни тантанали топшириш маросими ўтказилди.

Эътироф

Кэролин Лэммга давлатимизнинг юксак мукофоти топширилди

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Америка жамоатчилиги вакиллари, экспертлар, мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, икки томонлама муносабатлар бугун ўзаро ишонч ва мустаҳкам дўстлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Шу йил май ойида Президентимизнинг АҚШга амалга оширган тарихий ташрифи давлатларимиз ҳамкорлигида янги саҳифа очди.

Тадбирда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раисига “Дўстлик” ордени топширилди.

— Президент Шавкат Мирзиёевга мени мана шундай юксак мукофотга лойиқ кўриб, юқори даражада эътироф этгани учун чексиз миннатдорлик билдираман, — дейди Кэролин Лэмм. — Бугун Ўзбекистонда бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, коррупцияга қарши курашиш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Айни шу жиҳатлар мамлакатга чет эл инвестициясини жалб этишда муҳим ўрин тутади. Биз, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси вакиллари АҚШ компанияларини шу йил 23 октябрда Тошкентда ўтказиладиган АҚШ — Ўзбекистон йиллик бизнес форумида қатнашишга таклиф этамиз. Мақсадимиз АҚШ тадбиркорлари билан ҳамкорликда муваффақиятга эришиш учун ўз билим, тажриба ва ресурсларимизни Ўзбекистон билан баҳам кўриш.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон — Россия:

Форумга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда

Жорий йилнинг 18-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлик биринчи форуми бўлиб ўтади.

Сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилмоқда. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси натижасида мамлакатимиз ҳудудларининг Россия областлари билан тўғридан-тўғри мустаҳкам алоқалари йўлга қўйилгани муҳим омил бўлаётир. Масалан, жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри раҳбарлари бошчилигидаги делегациялар Россиянинг кўпгина ҳудудларида бўлиб, ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишяпти.

Таъкидлаш жоизки, Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо ва инвестициявий ҳамкори ҳисобланади. Бугунги кунда нефть-газ, машинасозлик ва электротехника саноати, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: 2017 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 33,9 фоиз ўсиб, 3,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида эса Россиянинг мамлакатимиз ташқи савдо айланмасидаги улуши 16 фоизга тўғри келди. Икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Истиқболли ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодаси томонлар имзолаган ҳукуматлараро битимга мувофиқ, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида стратегик лойиҳани амалга оширишга киришилганида ҳам намоён бўлади.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда ҳудудлараро ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Шу маънода, ҳозир мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектлари Россия Федерациясининг ўнлаб йирик шаҳар ва саноати ривожланган ҳудудларидаги корхоналар билан ҳамкорлик қилаётгани эътиборга моликдир. Натижада юртимизда Россия Федерацияси сармояси иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони қарийб 1200 тага етди.

Икки мамлакат ўртасидаги интеграция жараёнларининг чуқурлашуви ҳудудлар бўйича иқтисодий муносабатларни кенгайтиришни тақозо этмоқда. Тошкентда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлик биринчи форуми бевосита иқтисодий алоқалар учун мустаҳкам замин яратади.

Шубҳасиз, ушбу форум Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичга чиққанлиги билан ҳам изоҳланади. Чунки унинг доирасида икки давлатнинг ҳудудлараро кўплаб инвестициявий келишувларга эришилиши, ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Шунингдек, Россия ҳудудларида вилоятларимиз савдо уйлари ва улгуржи тақсимот марказлари, қўшма корхоналар фаолият юритишини ташкиллаштириш ҳам режалаштирилган.

Кўриниб турибдики, бевосита ҳудудлараро муносабатларнинг кенгайиши икки мамлакат ички салоҳияти ва имкониятлари тўлақонли ишга солинишига мустаҳкам пойдевор яратади.

Шаҳриёр МАНСУРОВ,
Иқтисодиёт вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари.

Дўстлик ришталари

ФРАНЦУЗ ОЛИМАСИНИНГ ЎНГИДАН КЕЛГАН ТУШИ



Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси унвонига сазовор бўлган бир гуруҳ француз илм-фан, маданият, адабиёт аҳли орасида таниқли тарихчи олима Фредерик Бопертюи-Брессанд ҳам бор. Шарқшунос олима Самарқанд тарихини темурийлар даври билан боғлиқ ҳолда ўрганиб, илмий тадқиқот ишлари олиб борган, шу тариқа ўзига хос мазкур қадимий шаҳарга меҳри тушиб, қадрдонлашиб кетган. Албатта, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга тарихий ташрифи доирасида бундай шарафли унвонга эга бўлиш Фредерик Бопертюи-Брессандга чексиз қувонч бағишлади.

Самарқандликлар уни халқимизнинг азалий қадриятлари, урф-удумларини нозик фаҳмлай олиши билан бирга миллий маданиятимизга бўлган ҳурмат-эътибори туфайли ҳам эъзозлаб тилга олишади. У ўз бисотидаги дўппи ва кийимкечаклар, тақинчоқ ҳамда миллий ҳунармандчилик намуналаридан халқимиз иқтидорини, турли ҳудудлар ҳунармандларининг ўзига хослигини баҳолай оладиган нозик дид соҳибасидир.

— Ўзбекистонга биринчи марта 1977 йилда борганман, — дейди Фредерик Бопертюи-Брессанд. — Бу менинг тақдиримда бурилиш ясади. Қалбимга яқин заминда эканлигимни ўшанда ички ҳиссиётим билан илғаб олганим хато бўлмаган экан. Ўз юртим Францияга қайтганимдан сўнг шаҳар кўчаларию мовий гумбазларни, мораларни тушларимда тинимсиз кўра бошладим. Бир неча йил ўтганидан сўнг юрак амри билан яна Самарқандга йўл олдим.

Француз олимасининг соҳибқирон Амир Темур шахсиятидан сўнг юрак амри билан яна Самарқандга йўл олдим.

Таъкидланганидек, икки томонлама муносабатлар бугун ўзаро ишонч ва мустаҳкам дўстлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Шу йил май ойида Президентимизнинг АҚШга амалга оширган тарихий ташрифи давлатларимиз ҳамкорлигида янги саҳифа очди.

Тадбирда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раисига “Дўстлик” ордени топширилди.

— Президент Шавкат Мирзиёевга мени мана шундай юксак мукофотга лойиқ кўриб, юқори даражада эътироф этгани учун чексиз миннатдорлик билдираман, — дейди Кэролин Лэмм. — Бугун Ўзбекистонда бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, коррупцияга қарши курашиш, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Айни шу жиҳатлар мамлакатга чет эл инвестициясини жалб этишда муҳим ўрин тутади. Биз, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси вакиллари АҚШ компанияларини шу йил 23 октябрда Тошкентда ўтказиладиган АҚШ — Ўзбекистон йиллик бизнес форумида қатнашишга таклиф этамиз. Мақсадимиз АҚШ тадбиркорлари билан ҳамкорликда муваффақиятга эришиш учун ўз билим, тажриба ва ресурсларимизни Ўзбекистон билан баҳам кўриш.

1988 йил 22 мартда Францияда Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциациясига асос солинди.

2007 йилда ўтказилган Самарқаднинг 2750 йиллигига бағишланган халқаро конференцияда Фредерик Бопертюи-Брессанд “Темурийлар даврида мусиқа” мавзуида мазмунли чиқиш қилди. Парижда шу йили унинг “Дурдона Самарқанд” ва “Сирли Самарқанд” китоб-альбомлари чоп этилди. Мана шу нашрлар кўплаб хорижликларда бу шаҳарга янада қизиқиш уйғотди.

Ассоциация нафақат Францияда, бошқа давлатларда ҳам Ўзбекистон маданияти ва санъатини тарғиб этишда беқиёс хизмат кўрсатиб келмоқда. Буларнинг барчаси самарқандликларнинг юракка яқин қадрдон дўсти, ўзбек заминининг ошуфтаси бўлган француз олимаси Фредерик Бопертюи-Брессанд туфайли эди. Энди у бу заминнинг ўз фарзанди — Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси сифатида бой тарихимиз, такрорланмас маданиятимизнинг очилмаган қирраларини тадқиқ этишга янада шижоат билан киришишига шубҳа йўқ.

Шойим БЎТАЕВ тайёрлади.

Тақдимот

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги тарихи минг йилларга бориб тақаладиган алоқалар бугун янги босқичга кўтариляпти. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари ушбу мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳиндистоннинг минтақавий сиёсати — Марказий Осиё билан алоқаларни мустаҳкамлаш

Мазкур ташриф доирасида “Минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги: таҳдидлар ва истиқболлар” номли китобнинг тақдимоти ўтказилган эди. Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ҳам шундай тадбир ташкил қилинди. Унда сиёсатшунослар, экспертлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Аввало, китобга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Ҳиндистон бирлашган хизматлар институти ўртасидаги самарали ҳамкорлик маҳсули сифатида қараш ўринлидир. Унда икки мамлакат экспертлари Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликка замонавий таҳдидлар ва хавфлар, давлатларнинг афғон муаммосини тартибга солишга нисбатан позициялари ҳамда ёндашувлари, минтақавий транспорт коммуникациялари ва савдо соҳасидаги ўзбек — ҳинд ҳамкорлиги истиқболлари, ёшлар ўртасида радикаллашув ва экстремизмга қарши курашиш жабҳасидаги сиёсат масалаларига эътибор қаратишган.

Асарда дунёда, шу жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик муаммоларига алоҳида аҳамият берилган. Бугунги кунда йиллар давомида ҳал этилмаган келишмовчиликлар, ҳудудий низолар, савдо-иқтисодий муносабатлар, транспорт ва коммуникация соҳаларида мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари ўз ечимини топаётир. Бироқ бу йўлда диний экстремизм, терроризм, наркотрафик, қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси каби халақит бераётган омиллар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Ҳиндистонлик эксперт А. Мукержи мазкур китобдаги мақоласида айтиб ўтганидек, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан, айниқса, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлиги фақат икки томонлама алоқалар доирасида чегараланиб қолмаслиги керак. Бу жараённи минтақавий ва халқаро даражада амалга ошириш зарур. Бинобарин, Ҳиндистоннинг ШҲТга аъзолиги ана шу таҳдидларга қарши курашишда минтақа давлатлари билан ҳамкорликнинг янги платформаси сифатида муҳим ўрин тутади.

Икки мамлакатни бир-бирига яқинлаштирувчи ва ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашнинг яна бир сабаби Афғонистондаги тинчликпарварлик миссиясидир. Икки давлат урушдан чарчаган ушбу юртда энг тез муддатларда тинчлик ўрнатилиши, унинг тараққиёт ҳамда гуллаб-яшнашига эришилиши, минтақавий ҳамкорлик юксалишига жалб этилишидан манфаатдордир.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг сезиларли фаоллашуви эса икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган мулоқоти натижасида бошланди. Ўзбекистон икки йилдан буён Афғонистонда тинчлик ўрнатишдек тизимли муаммога алоҳида эътибор бермоқда. Бу йўлдаги энг катта қадам эса жорий йил март ойида Тошкентда мазкур мавзуда халқаро конференция ўтказилиши билан ҳам боғлиқдир. Зеро, ўшанда Президент Шавкат Мирзиёев тадбирда иштирок этган давлатлар эътиборига афғон муаммосига доир ўз қарашларини, мазкур мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича принциплар ва ёндашувларни баён қилди.

Нашрда Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ҳақида эксперт Б. Шарма ҳам ўз фикрларини билдирган. Унинг таърифлашича, Афғонистондаги можарони тартибга солишда Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг позицияси ҳамда ёндашувлари ўхшашдир. Икки давлат ҳам Афғонистон Ислом Республикаси иқтисодиётини тиклаш жараёнида, жумладан, БМТ, ШҲТ ва бошқа кўп томонлама механизмлар асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш йўли билан фаол ҳамда самарали иштирок этишлари мумкин.

Умуман олганда, экспертларнинг баҳолашларига кўра, кейинги 28 йилда Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро ишонч ҳисси, дўстлик, манфаатларни ҳурмат қилиш, ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланди. Икки мамлакат ҳам минтақавий тинчлик, барқарорлик ва юксалишни илгари суришда ишончли шериклар ҳисобланади. Бинобарин, Тошкент ва Нью-Деҳли ҳам икки томонлама, ҳам халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги ўзаро алоқаларни давом эттираверади.

Алишер НИЗОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти марказ раҳбари ўринбосари.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташламанг, акс ҳолда...

Депутатлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 91-моддасининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида мазкур ўрганиш якунлари қизғин муҳокама этилди.

Маълумки, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан чиқадиган чиқиндиларни кўмиш учун майдони 59 гектарни эгаллаган “Оҳангарон” чиқиндихонаси ташкил қилинган. Бу ерда тахминан 38,65 млн.м^3 ҳажмда чиқинди жойлаштирилган. Унинг давлат кадастри Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан юритилади.

Йиғилишда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида бу борада олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Чунончи, Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг кунлик назорат натижаларига кўра, 2017 йил октябрь ойидан 2018 йил октябрь ойигача бўлган даврда пойтахтимизда “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилган 14733 ҳолат аниқланган. 2017 йилдан бошлаб мазкур ҳужжат талабларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича саъй-ҳаракатлар фаоллаштирилган. Мисол учун, ўтган йилнинг декабрь ва жорий йилнинг май ойи оралиғида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91-моддаси бўйича чиқиндилар билан ишлашда қонун бузилишига йўл қўйган 517 фуқаро жавобгарликка тортилиб, уларга 93,1 миллион сўм жарима солинган.

Тошкент вилоятида 2017 йилда жами 1394 та маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг 223 таси (91 нафари мансабдор шахс) чиқиндиларга боғлиқ бўлиб, бу умумий қонунбузилишларга нисбатан 40,8 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, ушбу қонунбузилишлар оқибатида 133 миллион сўмдан зиёд жарима солинган. Йил давомида хўжалик юритувчи субъектлардан чиқиндиларни жойлаштирганлик учун жами 1,7 миллиард сўм компенсация тўловлари ундирилган.

Депутатлар мазкур соҳада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таъсирчан механизмларнинг етарли эмаслигини айтиб ўтишди. Уларнинг фикрича, ҳудудларда саноат, рўзғор чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик ҳолатига нисбатан маъмурий жазо қўлланилишини кучайтириш лозим. Шунингдек, чиқиндиларни белгиланган меъёрлардан ортиқча жойлаштиргани учун иқтисодий жавобгарлик механизмини такомиллаштириш зарур.

Таҳлил этилган ҳудудларда чиқиндиларни белгиланмаган жойларга тўкиш мумкин эмаслиги, бунинг атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига салбий таъсири тўғрисидаги тарғибот-ташвиқот ишлари борасида Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, давра суҳбатлари ва амалий тадбирларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Пойтахтимизда “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ривожлантириш: хорижий тажриба, тенденциялар ва истиқболлар” мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Инновациясиз тараққиёт йўқ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадқиқот маркази ҳамда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда сенаторлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, илмий-тадқиқот ҳамда таълим муассасалари, хорижий ва маҳаллий компаниялар, шунингдек, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Замонавий инновацион технологияларни илм-фан ва техника ютуқлари асосида иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ҳамда бошқа соҳаларга жадал татбиқ этиш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шартидир. Президентимизнинг шу йил 21 сентябрдаги “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари ҳақида сўз юритилиб, бунда иқтисодиёт эҳтиёжларига қараб кадрлар тайёрлаш тизими сифатини ва мослашувчанлигини оширишга жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, инновацияларни рағбатлантиришнинг институционал базаси ҳам муҳокама этилди.

— Ҳар қандай давлат ўзининг барқарор иқтисодиётини таъминлаши учун инновацион ғоялар ва технологияларни татбиқ этиши лозим, — дейди Исроил давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эдуард Шапира. — Ўзбекистонда бу борада катта қадамлар ташланди. Ўзаро ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар ҳам жорий қилинмоқда. Юртингизда соҳани ривожлантириш учун барча шароит мавжуд, ҳуқуқий асослар ҳам етарли. Келгусида Ўзбекистон ва Исроил ишбилармон доира вакиллари иштирокида бизнес учрашув ҳамда форумлар ташкил этишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, тадбирда инновацияларни қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишларга солиқ имтиёзларини тақдим этиш, илмий-амалий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ва мақсадларини танлашга оид тегишли қонунлар қабул қилиш, ҳудудлар масъулияти ҳамда манфаатдорлигини кучайтириш айни муддао экани қайд этилди.

Анжуман якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

Муаммолар ўрганилди, таклифлар илгари сурилди

Навоий вилоятида халқ депутатлари Навбаҳор, Нурота, Хатирчи, Кармана туманлари Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтди. Уларда ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан жойларда бу борада амалга оширилган ишлар натижалари сарҳисоб қилинди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Аҳоли бандлиги, инвестициявий лойиҳаларни рўёбга чиқариш, кузги мавсумига тайёргарлик ҳолати ва бошқа йўналишларда бажарилаётган саъй-ҳаракатлар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

Тарихий меросимизни сақлаш ва ундан фойдаланишга оид масалалар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Маълумки, Навбаҳор туманидаги Сармишсой дарасида 7 минг йиллик тарихга эга 10 мингдан ортиқ қадимий суратлар мавжуд. Ушбу обида ҳудудий жиҳатдан катталиги билан маданий туризм ва сайёҳлик ташкилотларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Аммо ҳозир у бутунлай қаровсиз аҳволда. Мазкур ёдгорлик негизида “Сармишсой” очиқ осмон остидаги табиий-археологик музейини ташкил этиш учун ҳукумат даражасида тегишли қарор қабул қилиш зарурлиги таъкидланди.

Хатирчи тумани — аҳоли анча зич жойлашган ҳудудлардан бири. Шу боис бу ерда аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим масаладир. Республика ишчи гуруҳи ташаббуси билан туман марказида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Навбаҳор туманидаги Сармишсой дарасида 7 минг йиллик тарихга эга 10 мингдан ортиқ қадимий суратлар мавжуд. Ушбу обида ҳудудий жиҳатдан катталиги билан маданий туризм ва сайёҳлик ташкилотларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Аммо ҳозир у бутунлай қаровсиз аҳволда.

Кармана туманидаги шароити оғир ҳудудларда жойлашган маҳаллаларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга алоҳида урғу берилди. Хусусан, Боғишамол маҳалласида 6208 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда болалар боғчаси ва мактаб мавжуд эмас. Сессияда маҳаллада таълим муассасаларини бунёд этиш таклифи билдирилиб, муаммони ҳал қилиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Ўтказилган сессияларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, айниқса, ичимлик суви таъминоти масаласи кескин танқид остига олинди. Хусусан, Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ушбу йўналишга ажратилаётган маблағлардан самарасиз фойдаланилаётгани, уларнинг сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокамаларда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарёнинг инвестиция салоҳияти тақдим этилди

СЕМИНАР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан ушбу ҳудуднинг инвестиция ва экспорт салоҳиятига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ва молия муассасалари вакиллари қатнашди.

Президентимизнинг жорий йил 19 июлдаги “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, республикамизнинг бу борадаги жозибадорлигини юксалтириш, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш борасида муайян ишлар олиб бориляпти.

— Бугунги кунда вилоятимизга инвестицияларни жалб қилиш мақсадида кўплаб лойиҳаларни амалиётга татбиқ этяпмиз, — дейди Сурхондарё вилояти инвестиция бўйича бош бошқармаси бошлиғи Рустам Пардаев. — Тадбир асосида вилоятимизнинг сайёҳлик салоҳияти, табиий захираларга бойлиги, қишлоқ хўжалигида бир йилда уч мартагача ҳосил олиш мумкинлиги каби ҳудудимизнинг ўзига хос иқлим шароити ҳақида маълумотлар бердик.

Жорий йилнинг сентябрь ойигача 15 лойиҳа доирасида 20,9 миллион АҚШ доллари атрофида инвестиция жалб қилинди. Йил охиригача эса яна 33 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши кутиляпти. Бунинг натижасида ҳозиргача 2600 дан зиёд иш ўринлари яратилган бўлса, белгиланган лойиҳалар тўлиқ амалга оширилгач, 10 мингдан зиёд кишиларнинг бандлиги таъминланади.

Умуман, икки йил давомида 867 миллион АҚШ долларилик сармоя ўзлаштирилиши режалаштирилган. Қайд этиш жоизки, инвестицияларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хом ашёни сифатли сақлаш ва экспорт қилиш, туризм, кончилик, қурилиш материаллари тайёрлаш сингари тармоқларга йўналтиришга ҳаракат қилиняпти.

Қайд этилганидек, ҳудудга инвестиция киритиш бўйича Россия, Афғонистон, Хитой, Жанубий Корея, Австрия каби давлатларнинг, айниқса, қизиқиши юқори бўлаётир.

— Албатта, қулай ишбилармонлик муҳити ва берилаётган имтиёзлар сармоядорларни янада рағбатлантиради, — дейди Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ташқи савдо операциялари мониторинги ва божхона статистикаси бўлими бошлиғи Учқун Нортошев. — Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 495 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 2,8 баробар ошди. Бу айни чоғда тадбиркорлар, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга божхона борасида берилаётган имтиёзлар самараси ҳамдир.

Ҳудудда инвестиция ва экспорт борасидаги ишларни жадаллаштиришда барча лойиҳалар тармоқ жадваллари асосида қайта кўриб чиқилгани, вилоят ҳокимлиги веб-сайтида алоҳида илова кўринишида саҳифа очилиб, маълумотлар жойлаштирилаётгани ҳам диққатга сазовор.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 8-9 октябрь кунлари ушбу мамлакатга расмий ташрифи муҳим тарихий воқеа сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур ташрифнинг аҳамияти ҳақида икки мамлакат кенг жамоатчилиги вакиллари, йирик тадбиркорлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиряпти.

ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ: ТАРИХИЙ ТАШРИФ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Элёр ҒАНИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Францияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон — Франция бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда Франциянинг 200 дан ортиқ етакчи компаниялари вакиллари иштирок этди. Улар орасида “Total”, “Total Eren”, “Orano”, “Airbus”, “Buig”, “Vence”, “Medef International” каби дунёга машҳур йирик компаниялар борлиги эътиборлидир. Учрашувда француз ишбилармонлари мамлакатимиздаги ўзгаришлар, хусусан, бизнес вакиллари, инвесторларга кенг йўл очилаётгани, уларга шароитлар яратиб берилаётгани, валюта бозорининг эркинлашгани бўйича ижобий фикрлар билдирди. Бизнесдаги шаффофликнинг таъминланаётгани боис улар мамлакатимизда ўз лойиҳаларини амалга оширишни исташмоқда. Француз ишбилармонлари республикамизда бизнес юритишдаги бюрократиянинг, қоғозбозликнинг йўқолганини энг катта ижобий ўзгариш сифатида алоҳида қайд этмоқда.

Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

— Давлатимиз раҳбарининг Франция Президенти Эммануэль Макрон билан учрашувида жиддий ва долзарб масалалар муҳокама қилинди. Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги қарашларимиз, позициямиз бир-бирига мос келиши эътироф этилди.

Минтақадаги хавфсизлик масалаларини муҳокама қилиш чоғида, албатта, Афғонистон муаммоси ҳам кўтарилди. Франция Президенти Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Тадбиркорлар билан бўлган учрашув ҳам самарали кечди. Президентимиз франциялик йирик ишбилармон доиралар вакиллари, тадбиркорларни қизиқтирган саволларга аниқ жавоб берди. Улар Ўзбекистонда бизнес юритишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Борис ЭЛИЗАБЕТ,
“GEIP” фармацевтика компаниясининг Шарқий Европа қўмитаси раҳбари:

— Компаниямиз юз йиллик тарих ва ўзининг қадимий анъаналарига эга. Дунёнинг кўплаб давлатларида фаолият юритамиз. Аммо шу кунга қадар ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан алоқаларни йўлга қўймаган эдик. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи доирасида бўлиб ўтган бизнес форумида иштирок этдик ва мамлакатингизни қайта кашф қилдик. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар бизни қизиқтириб қўйди. Шу боис мамлакатингизга ташриф буюриб, ҳамкорлик қилишни мақсад қилдик. Таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар хорижлик, хусусан, француз компанияларининг Ўзбекистонга кириб боришини қўллаб-қувватлайди. Негаки, инвесторларнинг Ўзбекистонда фаолият юритиб, сармоя киритиши учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд.

Жереми ПЕЛЛЕ,
Франция тараққиёт агентлиги ижрочи директори ўринбосари:

— Ўзбекистон — Франция бизнес форумида мамлакатингиз ишбилармон доиралари вакиллари билан шартномаларни имзолашга муваффақ бўлдик. Мақсадимиз — юртингизга катта инвестиция киритишдир. Дастлаб олти юз минг евро, кейинчалик эса буни янада ошириш ниятидамиз. Аграр, қайта ишлаш саноати, сувни тозалаш, туризм каби соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиш режамизда бор. Ўйлашимча, Ватанингиз кенг имкониятларга эга. Бу ташриф эса бизнинг имкониятларимизни ишга солиш учун муҳим қадам бўлди. Давлатингиз раҳбарининг ҳар бир фикри ва таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Гийом МЕЛЬМАН,
“Фивс” металлургия ва шиша ишлаб чиқариш компанияси президенти:

— Асосий мақсадимиз мамлакатингизда шиша ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришдир. Шу мақсадда биз Жиззах вилоятига энг замонавий русумдаги технологияларни олиб кирмоқчимиз. Бу билан Ўзбекистонда шиша ишлаб чиқариш салоҳияти 3-4 баробар ортиши мумкин. Шунингдек, автосаноатга ҳам эътиборимизни қаратмоқчимиз. Аслида Ўзбекистондаги ишбилармонлик муҳити бизга яхши таниш. “Ўзавтосаноат”, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорликда ишлаб келамиз. Шу боис ҳам узоқ муддатли ҳамкорликни мўлжаллаяпмиз.

Жеральдин ЛЕМБЛЕ,
“Medef International” компанияси бош директори ўринбосари:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи икки мамлакат ишбилармонлари учун самарали мулоқотга асос солди. Бу ташриф доирасида ўтказилган бизнес форуми амалий натижаларга бой бўлди. Яхши маълумки, тадбиркорлар у ёки бу мамлакатга томоша учун бормайди. Уларнинг аниқ мақсадлари бўлади. Қайсики мамлакатда ишбилармонлик муҳити яхши бўлса, инвестиция кафолатланса, ўша юртга тадбиркорлар кириб келади. Бугунги Ўзбекистон шундай муҳит мавжуд эканини яна бир бор намоён этди. Шавкат Мирзиёевнинг ташрифидан сўнг француз компанияларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортмоқда.

Франц ГРЕНЕ,
археолог олим, Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси:

— Марказий Осиёда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб Франция давлатига археологик қазишмаларни олиб боришга рухсат берган. Биз 1998 йили мамлакатингизда археологик тадқиқотлар билан шуғулланганмиз. Хусусан, Афросиёбдаги топилмалар устида ишлаганмиз. Ўзбекистон ҳамда Франциянинг маданий ва таълим соҳасидаги алоқалари давом этиб келмоқда. Мен Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг кўп маданий обидаларга эга мамлакат сифатида биламан. Ўзбекистон туристик жозибадор диёр. Бу ерда сайёҳлик ривожланса давлат иқтисодиётига катта даромад келиши аниқ.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги

Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилиши 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловини эълон қилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги қуйидаги фан йўналишлари бўйича долзарб муаммолар ечимига қаратилган Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилиши 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар лойиҳалари танловининг иккинчи босқичини эълон қилади:

1. Қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазаси;
2. Филология, психология ва педагогика;
3. Техника фанлари;
4. Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш;
5. Фармакология ва фармацевтика;
6. Ер тўғрисидаги фанлар;
7. Кимё фанлари;
8. Тарих ва ижтимоий фанлар.

Танлов мавзулари, танловни ўтказиш тартиб ва талаблари билан вазирликнинг расмий веб-саҳифаси — www.mininnovation.uz да танишиш мумкин.

Амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар ҳамда долзарб тематик мавзулар бўйича танловлар босқичма-босқич эълон қилиб борилади.

Амалий илмий-техник лойиҳалар ҳамда инновацион ишланмалар, долзарб тематик тадқиқотлар танлови топшириқлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Президентнинг республика ҳудудларига ташрифлари, маъруза ҳамда нутқларида белгиланган вазифалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва йиғилиш баённомалари топшириқлари ҳамда давлат, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари таклиф ҳамда тавсияларидан келиб чиқиб, республика иқтисодиёти тармоқ ва соҳаларини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда вазифалари асосида шакллантирилган.

Тақдим этилган лойиҳалар ҳамда инновацион ишланмалар www.fan-portal.uz веб-саҳифа орқали электрон рўйхатдан ўтказилиши шарт. Электрон рўйхатдан ўтмаган амалий лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловга қабул қилинмайди.

Қоғоз шаклда тақдим этилган лойиҳалар фақат илмий-тадқиқот институтларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосарлари, олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ҳамда инновациялар бўйича проректорлари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари имзолаган йўлланма хати асосида қабул қилинади.

Лойиҳа матни А4 форматдаги стандарт қоғоз варағининг икки томонида жойлашиши ҳамда қоида тариқасида 1,15 қатор оралиғида ёзилиши лозим. Ҳар бир бет: юқоридан ва пастдан 2 см.; чапдан 3 см.; ўнгдан 1,5 см. ҳошияга эга; хатбоши 1,27 см. га тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Матнни компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 12 ўлчамли шрифтда, «Microsoft Word» матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Бетлар титул варағидан бошлаб охирги вараққача изчил кетма-кетликда рақамланади. Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Титул варағига 1 рақами қўйилмайди.

Лойиҳа учун талаб қилинган ҳар бир ҳужжат ва бошқа таркибий қисмлар янги бетдан расмийлаштирилади.

Лойиҳа раҳбари ҳамда иштирокчиларининг мезонларда талаб қилинган илмий ишлар рўйхати (охирги 3 йил давомидаги нашрлар қуйидаги хронологик тартибда келтирилиб, изчил кетма-кетликда рақамланади: монография; патент; илмий мақола; илмий тўпламлар ва бошқа нашр ишлари) 3.4-шаклга қатъий риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилади ҳамда муаллиф, илмий котиб томонидан имзоланади ва ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

Электрон рўйхатдан ўтказилган амалий лойиҳалар ва инновацион ишланмалар 2018 йилнинг 1 ноябрига қадар, шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача Инновацион ривожланиш вазирлиги биносида қабул қилинади.

Тақдим этилган лойиҳалар танлов талабларига қатъий риоя қилинганлиги, лойиҳа материалларининг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги, кўчирмачиликка (плагиат) йўл қўйилмаганлиги бўйича дастлабки техник экспертизадан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги ПҚ-3855-сонли қарорига мувофиқ Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган амалий ва инновацион тадқиқотлар натижалари улар якунланганидан сўнг тўлиқ тижоратлаштирилиши шарт.

Тақдим этиладиган лойиҳаларга тегишли вазирликлардан лойиҳа мавзуси, унинг бажарилиши ҳамда ундан кутилаётган натижалар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш учун зарурлиги таъкидланган ҳамда ташкилот Илмий (илмий-техник) кенгашлари томонидан тавсия этилганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма илова қилиниши лозим.

Танловнинг холислиги, адолатлилиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида лойиҳаларни қабул қилиш, экспертизасини амалга ошириш, махсус белгиланган хоналарда видеокузатув воситалари (камералар) орқали ёзиб олинади.

Тақдим этилган лойиҳалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги ҳамда танлов ғолиблари томонидан илмий-техник лойиҳаларнинг натижадорлиги, тижоратлаштириш даражаси, танлов дастурлари вазифаларида белгиланган, кутилаётган натижаларни тўла ва ўз вақтида сифатли бажарилишига илмий лойиҳа ҳамда уни бажарувчи ташкилот раҳбарлари ва тегишли юқори ташкилотлар масъул ходимлари жавобгар ҳисобланадилар.

Белгиланган муддатда фан йўналишлари бўйича электрон ва қоғоз шаклларда тақдим этилмаган лойиҳалар танловга қабул қилинмайди. Танловга битта лойиҳа келиб тушган тақдирда танлов ўтказилмайди.

Маълумот учун телефонлар: Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими (онлайн рўйхатдан ўтиш бўйича) — 71 256-34-37.
Инфо-фан (қўшимча маълумот учун) — 71 203-32-32.

MiningWorld Uzbekistan
13-халқаро кўргазма
ТОҒ-КОН УСКУНАЛАРИ, РУДА ВА МИНЕРАЛЛАРНИ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА БОЙИТИШ
2018 йил
14 — 16 ноябрь
Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ», 1-павильон
11-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси
МЕТАЛЛУРГИЯ. МАШИНАСОЗЛИК. ДАСТГОҲСОЗЛИК
MACHINERY CENTRAL ASIA
Iteca EXHIBITIONS
ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ
Дастлабки икки кун фақат тармоқ мутахассислари таклиф этилади!
Guvohnoma № 3583

2018 йил 14 – 16 ноябрь
Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ», Атриум ва Конгресс холл заллари.
securika Central Asia
10-халқаро юбилей кўргазмаси
ҚЎРИҚЛАШ, ХАВФСИЗЛИК ВА ЁНҒИНГА ҚАРШИ ҲИМОЯ
www.securika.uz
Дастлабки икки кун фақат тармоқ мутахассислари таклиф этилади!
Iteca EXHIBITIONS
ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ
Guvohnoma № 3583

Ташкилотлар раҳбарлари диққатига!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ
ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
«Соя» гулли камуфляж қилинган ёзги кепилар;
Денгиз тўлқини рангида кундалик ёзги кепилар;
Денгиз тўлқини рангида кундалик қишки кепилар;
Денгиз тўлқини рангида байрамона фуражкалар.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 1-берк кўча, 1-уй.
Талабгорлардан танлов савдоларида қатнашиш бўйича тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин:
71 255-75-12, 71 255-81-45, 71 231-31-47. Факс: 71 281-43-72.

Сиз 100 миллион сўм ютиб олишни хоҳлармидингиз?
Унда «Ипотека-банк» АТИБда «Омад» ютуқли омонатини расмийлаштиринг.
Ютуқлар тиражида 100 кундан кам бўлмаган муддатга 1 миллион сўм ва ундан ортиқ бўлган пул маблағларини омонатга қўйган омонатчилар иштирок этадилар.
100 кунда — 100 МИЛЛИОН
Бундай имкониятни қўлдан чиқарманг, омад Сизга, албатта, кулиб боқади.
Омонатга пул маблағлари 2018 йилнинг 8 октябридан 8 декабригача қабул қилинади.
Қўшимча маълумотларни www.ipotekabank.uz сайтидан ёки 71 150-89-56 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.
IPOTEKA BANK
Imkoniyat yaratamiz
www.ipotekabank.uz
Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 186 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71 233-52-55;
Котибият 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6